

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI
AKADEMIYASI HUZURIDAGI ILMIY DARAJALAR BERUVCHI
DSC.31/30.12.2019.YU.25.02 RAQAMLI ILMIY KENGASH**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI
AKADEMIYASI**

ASHUROV NODIR NAYIMOVICH

**ISHNI SUDGA QADAR YURITISH BOSQICHIDA
JINOYAT PROTSESSI ISHTIROKCHILARINING
XAVFSIZLIGINI TA’MINLASH**

**12.00.09 – Jinoyat protsessi. Kriminalistika,
tezkor-qidiruv huquq va sud ekspertizasi**

**Yuridik fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi
AVTOREFERATI**

Toshkent – 2025

Falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati mundarijasi

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Ashurov Nodir Nayimovich

Ishni sudga qadar yuritish bosqichida jinoyat protsessi ishtirokchilarining xavfsizligini ta'minlash3

Ashurov Nodir Nayimovich

Обеспечение безопасности участников уголовного процесса на стадии досудебного производства25

Ashurov Nodir Nayimovich

Ensuring the security of participants in criminal proceedings at the pre-trial stage.....49

E'lon qilingan ishlar ro'yxati

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI
AKADEMIYASI HUZURIDAGI ILMIY DARAJALAR BERUVCHI
DSC.31/30.12.2019.YU.25.02 RAQAMLI ILMIY KENGASH**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI
AKADEMIYASI**

ASHUROV NODIR NAYIMOVICH

**ISHNI SUDGA QADAR YURITISH BOSQICHIDA
JINOYAT PROTSESSI ISHTIROKCHILARINING
XAVFSIZLIGINI TA’MINLASH**

**12.00.09 – Jinoyat protsessi. Kriminalistika,
tezkor-qidiruv huquq va sud ekspertizasi**

**Yuridik fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi
AVTOREFERATI**

Toshkent – 2025

Falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi mavzusi O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasida B2023.4.PhD/Yu1247 raqam bilan ro‘yxatga olingan.

Dissertatsiya O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasida bajarilgan.

Dissertatsiya avtoreferati uch tilda (o‘zbek, rus, ingliz (rezyume)) Ilmiy kengashning veb-sahifasida (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) va “Ziyonet” Axborot-ta’lim portalida (www.ziyonet.uz) joylashtirilgan.

Ilmiy rahbar: **Murodov Baxtiyorjon Baxodirovich**
yuridik fanlari doktori, professor

Rasmiy opponentlar:

Yetakchi tashkilot:

Dissertatsiya himoyasi O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Akademiyasi huzuridagi ilmiy darajalar beruvchi DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 raqamli Ilmiy kengashning 2025-yil “__”-“_____” kuni soat “_____” dagi majlisida bo‘lib o‘tadi (Manzil: 100197, Toshkent sh., Intizor ko‘chasi, 68. Tel./faks: (71) 265-22-52/ (71) 265-17-53; e-mail: info@akad.mvd.uz).

Dissertatsiya bilan O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Akademiyasi Axborot-resurs markazida tanishish mumkin (AD 1464-raqami bilan ro‘yxatga olingan). (Manzil: 100197, Toshkent sh., Intizor ko‘chasi, 68. Tel.: (71) 265-22-52.

Dissertatsiya avtoreferati 20225-yil “__”-“_____” kuni tarqatildi.

(2025-yil “__”-“_____”dagi ___-raqamli reestr bayonnomasi).

A.S. Tursunov

Ilmiy darajalar beruvchi Ilmiy kengash raisi,
yuridik fanlar doktori, professor

A.D. Xusanov

Ilmiy darajalar beruvchi Ilmiy kengash ilmiy
kotibi, yuridik fanlar bo‘yicha falsafa
doktori (PhD), dotsent

Sh.A. Kulmatov

Ilmiy darajalar beruvchi Ilmiy kengash
qoshidagi Ilmiy seminar raisi, yuridik fanlar
doktori, professor

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, уларни содир этган шахсларни фош этиш, айбдорларга адолатли жазо тайинлаш ҳамда айбсиз шахсларнинг жавобгарликка тортилмаслигини таъминлашда процесс иштирокчиларининг ёрдамидан самарали фойдаланиб келинмоқда. Бироқ сўнгги йилларда уюшган жиноятчилик доирасининг кенгайиши ва жиноий гуруҳларнинг куrollаниш даражасининг ортиши ишни судга қадар юритиш босқичида процесс иштирокчилари хавфсизлигини янада самарали таъминлашни талаб этмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси” ва унга илова қилинган протоколларида иштирокчи давлатлар зиммасига гувоҳ, жабрланувчи ва бошқа процесс иштирокчиларини кўрқитиш, мажбурлаш, алдаш, жисмоний зарар етказиш ёки уларнинг мол-мулкни йўқ қилишнинг олдини олиш учун тегишли чораларни кўриш ва бу йўналишда халқаро ҳамкорликни мустақамлаш мажбуриятлари юклатилган¹. Шунга қарамадан, жиноят ишлари доирасида гувоҳ ва жабрланувчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкига нисбатан таҳдидлар 35 фоизга етгани, уюшган жиноятчилик ва терроризм билан боғлиқ ишларда эса бу кўрсаткич 75 фоизни² ташкил этаётгани жиноят-процессуал муносабатларда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Жаҳонда суд-тергов органлари фаолиятида процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини самарали таъминлашга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, қонунчиликда хавфсизлик чораларини қўллаш механизмларининг аниқ белгиланмаганлиги, жиноят иши доирасида процесс иштирокчиларининг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкига қилинган тажовузлар учун алоҳида жавобгарликнинг мавжуд эмаслиги, хавфсизликни таъминлаш учун етарли бюджет маблағларининг ажратилмаслиги, зарур штат бирликларининг етишмаслиги, ваколатли органлар ўртасида ҳамкорликнинг сустлиги, хусусан тегишли маълумотлар алмашинувида махфийликни таъминлашнинг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги, видеокузатув, сигнализация тизимлари ва бошқа замонавий техник воситаларнинг етишмаслиги, хавфсизликни таъминлашга масъул бўлган ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш тизимининг мавжуд эмаслиги, процесс иштирокчиларининг хавфсизлик чораларини қўллаш тартиби тўғрисида етарли маълумотларга эга эмаслиги ва уларда мазкур институтнинг самарали қўлланилишига нисбатан ишончсизлик мавжудлиги, хавфсизлик чораларининг самарадорлигини баҳолаш мезонларининг аниқ белгиланмаганлиги билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, мол-мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини ислоҳ қилиш соҳасида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, янгиланган Конституция нормаларида инсон

¹ <https://lex.uz/docs/1304112#1304238>. Мурожаат қилинган сана. 11.05.2025 йил

² https://www.unodc.org/documents/middleeastandnorthafrica/organised-crime/Good_Practices_for_the_Protection_of_Witnesses_in_Criminal_Proceedings_Involving_Organized_Crime.pdf. Мурожаат қилинган сана. 11.05.2025 йил

манфаатлари устуворлигининг белгиланиши, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида шахснинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлиги таъминланишини кафолатлаш устувор йўналиш сифатида белгиланганлиги, “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси”да жабрланувчи, гувоҳ ва процесснинг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш бўйича таъсирчан жиноят-процессуал ҳамда ташкилий чораларни жорий этиш вазифалари белгиланганлиги ишни судга қадар юритиш босқичида процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш ва бу борада амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар ўтказиш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 январдаги “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги ПФ-6041-сон “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2023 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги, 2024 йил 10 июндаги ПФ-89-сон “Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқи ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 февралдаги 103-сон “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда жиноят процесси иштирокчиларини муҳофаза қилиш муаммоси қизғин баҳс-мунозаралар мавзусига айланган. Мазкур муаммога оид илмий изланишлар Ўзбекистон олимларидан Г. Абдумажидов, Б.Т. Акрамходжаев, Д.Б. Базарова, З.Х. Гулямов, З.Ф. Иногомжонов, Д.М. Миразов, Б.Б. Муродов, Б.А. Миренский, К. Мирзажонов, Ф.М. Мухитдинов, Ш.Х. Маматалиева, Ж.А. Неъматов, Б.Н. Рашидов, Й.С. Пулатов, Р.Қ. Кабулов, Б.Э. Қосимов, Г.З. Тулаганова, А.Ш. Умархонов, З.С. Зарипов, Б.Э. Зокиров кабилар ўз илмий тадқиқотларида ушбу муаммонинг айрим жиҳатларини тадқиқ этишган.

Юртимизда А.Ш.Умархонов “Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштириш”, Ш.Х.Маматалиева “Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процесси бошқа иштирокчилари

хавфсизлигини таъминлашнинг жиноят-процессуал жихатлари” мавзусидаги диссертациялар ҳимоя қилинган.

МДХ мамлакатларида процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш масалалари А.Абабков, А.В.Агутин, А.Безнасюк, Л.В.Брусницин, И.Ф.Демидов, Л.В.Головко, Е.Г.Григореева, В.А.Казаров, В.В.Кожевников, А.М.Ларин, В.З.Лукашевич, Р.И.Михеев, Т.Н.Москалкова, В.И.Никандров, В.Осипкин, Н.Й.Павлов, Д.В.Ривман, А.А.Рогаткин, В.И.Слеткин, А.К.Тихонов, В.С.Устинов, И.А.Воробев, М.М.Видря, М.Х.Хабибуллин, А.Й.Епихин, А.А.Юнусов, О.А.Зайцев, З.З.Зинатуллин, В.С.Шадрин, С.П.Шерба ва бошқаларнинг илмий ишларида маълум даражада ўрганилган.

Хорижда жиноят суд ишлари юритишда процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш ва амалга ошириш масалалари Каи Амбос, Абенаа Овусу, Андрей Ашвортх, Аустин Жамес, Отто Триффтерер, Ровден, Э., Валласе, А., Таит, Д., Хансон, М., Жонес, Д., Чарлес П., Фиона МсКай, Гиоиа Гресо, Жоанна Шапланд, Жоселйн Симонсон, Каваи Микио ва бошқалар томонидан илмий жихатдан тадқиқ этилган³.

Ҳозирга қадар ишни судга қадар юритишда процесс иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашнинг моҳияти, хавфсизлик чораларининг тизими, уларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонлари, тегишли хавфсизлик чорасини танлаш, ўзгартириш ва бекор қилиш асослари, қўлланилган чораларнинг давомийлиги, хавфсизлиги таъминланиши лозим бўлган шахсларнинг таснифи, уларнинг ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш кафолатлари, шунингдек жиноят иши доирасида процесс иштирокчиларига нисбатан амалга оширилган тажовузлар учун алоҳида жавобгарликни белгилаш билан боғлиқ умумназарий ва амалий тусдаги масалалар махсус тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, “Жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари (2022–2024)” мавзусидаги лойиҳа доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ишни судга қадар юритиш босқичида жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ишни судга қадар юритиш босқичида жиноят-процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ва назарий жихатларини тадқиқ этиш;

ишни судга қадар юритиш босқичида жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш чораларини таснифлаш;

ишни судга қадар юритиш босқичида жиноят процессида хавфсизликнинг ҳуқуқий асослари ва уни таъминлашни тартибини таҳлил қилиш;

ишни судга қадар юритиш босқичида жиноят процессида хавфсизликни таъминлашнинг процессуал тартибини ўрганиш ҳамда уни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

³ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

ишни судга қадар юритиш босқичида жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича айрим хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасини ўрганиш ва уларни тергов амалиётига татбиқ этиш имкониятларини кўриб чиқиш;

ишни судга қадар юритиш босқичида жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган истиқболли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ишни судга қадар юритиш босқичида жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳалқаро стандартлар ва нормалар, айрим хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги, шунингдек юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, статистик маълумотлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда билишнинг анализ, синтез, индукция, дедукция, тарихийлик, мантикийлик, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли таҳлил, анкета сўрови, эмпирик ва статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш, терговга қадар текширув ва жиноят иши ҳужжатлари ҳамда суд ҳукмларини таҳлилий ўрганиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жиноят процесси иштирокчиларига хавфсизлик чораларининг қўлланилганлиги мазкур шахсларнинг бошқа ҳуқуқ ва манфаатлари чекланишига олиб келмаслиги ва уларнинг кафолатлари тўлиқ равишда амалга оширилишини таъминлаш шартлиги асослантирилган;

жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан хавфсизлик чораларининг қўлланилиши, бу чораларнинг ўзгартирилиши, уларга қўшимчалар киритилиши ёки уларнинг қўлланилиши бекор қилиниши тўғрисида, шунингдек ҳимоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ қарорлар ҳақида шахсни ўз вақтида хабардор этиш зарурлиги асослантирилган;

алоҳида ҳолларда хавфсизликни таъминлаш чоралари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши мумкинлиги асослантирилган;

суд мажлисини фототасвирга тушириш, аудио ва видеоёзувини амалга ошириш, шунингдек оммавий ахборот воситаларида трансляция қилиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган;

“*хавфсизлик чоралари*”, “*ҳимоя остидаги шахс*”, “*хавфсизликни таъминлаш субъектлари*”, “*хавфсизлиги таъминланиши лозим бўлган шахслар*” ва “*ўзга гайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар*” каби тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган;

илғор хорижий тажриба ва миллий ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлиллари асосида жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор

шахсларни ҳам хавфсизлик чоралари қўлланилиши мумкин бўлган шахслар доирасига киритиш лозимлиги асослантирилган;

Ўзининг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкига нисбатан қилинаётган тажовузлардан етарли даражада ҳимояланмаган, яъни процессуал хавфсизлиги тўлиқ таъминланмаган жабрланувчи ва гувоҳларга жиноят иши доирасида кўрсатув бермаслик ҳуқуқи кафолатланиши лозимлиги асослантирилган;

хавфсизлик чораларини таъминлаш институтининг самарадорлигини ошириш мақсадида процесс иштирокчиларининг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкига қаратилган таҳдидлар мавжуд бўлган шароитда ўзларига нисбатан хавфсизлик чораларини қўллашни талаб этиш ҳуқуқини жиноят-процессуал қонунчиликда мустаҳкамлаш зарурати илмий асослантирилган;

процесс иштирокчиларига нисбатан қўлланиладиган хавфсизлик чоралари муддатини белгилаш, узайтириш ҳамда уларни бекор қилиш тартиби ишлаб чиқилган;

таҳдидларнинг тури, усули, шакли, вақти, ҳудуди каби параметрлари, шунингдек, уларга қарши қўлланилган хавфсизлик чораларининг турлари ва муддатлари ҳақидаги маълумотларни тизимли равишда таҳлил қилиш ҳамда келгусида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олиш ва хавфсизлик чораларини самарали қўллашни таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаментида қўлланилган хавфсизлик чоралари бўйича махсус ҳисобот шаклини юритиш амалиётини жорий этиш зарурати асослантирилган;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг “Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг илғор ҳамда ижобий тажрибалари, соҳага доир эмпирик ва статистик маълумотлар таҳлили, республика ҳудудларида фаолият олиб бораётган жами 423 нафар терговга қадар текширув, суриштирув, тергов, прокуратура органлари ва адвокатура ходимлари ҳамда профессор-ўқитувчилар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровлар, шунингдек 370 та жиноят ишларининг таҳлил натижаларини умумлаштириш орқали асослантирилган. Ишлаб чиқилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар апробатсиядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ҳамда хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, мазкур тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган қоидалар жиноят-процессал ҳуқуқи назариясининг ривожланишига муайян ҳисса қўшади. Айниқса, келгусида мазкур мавзуда тадқиқотларни амалга оширишда жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий, жиноят-процессуал ва криминалистик жиҳатларига оид илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашнинг жиноят-процессуал чораларини такомиллаштиришга қаратилган қатор қоида ва амалий тавсиялар

ишлаб чиқилганлигида ифодаланади. Тадқиқот натижаларидан Жиноят-процессуал кодексини такомиллаштиришда, Вазирлар Маҳкамаси ва Олий суд Пленуми қарорларини тайёрлашда, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ходимлари томонидан жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш амалиётида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот асосида олинган натижалар қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

қўлланилаётган хавфсизлик чоралари ҳимоя қилинувчи ва бошқа шахсларнинг уй-жойга, меҳнатга, пенсияга оид ҳуқуқларини ва бошқа ҳуқуқларини чекламаслиги лозимлигига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 14-январдаги ЎРҚ-515-сон Қонунининг 18-моддаси 4-қисмини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 16 июлдаги 3/dn-150-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминланиши чораларининг қўлланилганлиги ушбу шахсларнинг бошқа ҳуқуқ ва манфаатларини чекланишига олиб келмаслиги ва уларнинг кафолатлари тўлиқ равишда амалга оширилишини таъминланишига хизмат қилган.

ҳимоя қилинувчи шахсларни уларга нисбатан хавфсизлик чоралари ва ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари қўлланилиши, бу чораларнинг ўзгартирилиши, уларга қўшимчалар киритилиши ёки уларнинг қўлланилиши бекор қилиниши тўғрисида, шунингдек ҳимоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиниши ҳақида ўз вақтида хабардор этиши тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 14-январдаги ЎРҚ-515-сон Қонуни 25-моддаси 1-қисми 3-хатбошисини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 16 июлдаги 3/dn-150-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши жиноят процесси иштирокчиларини хавфсизликни таъминлаш чоралари қўлланилганлиги ҳақида хабардор қилиш шартлигини белгилаш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари кафолатлари самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

алоҳида ҳолларда хавфсизликни таъминлаш чоралари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши мумкинлигига доир таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йил 28 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизими такомиллаштирилиши муносабати билан вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 15-сонли буйруғининг 395-бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 23 февралдаги қўшма қарори билан тасдиқланган “Суд бинolari, суд процеслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”нинг 2-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2025 йил 11 июндаги 01-30-89-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши жиноят процесси иштирокчиларини хавфсизликни таъминлашда бошқа органлар билан самарали таъминлашга хизмат қилган.

Суд мажлисини фототасвирга тушириш, аудио ва видеоёзувини амалга ошириш, шунингдек оммавий ахборот воситаларида трансляция қилиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкинлигига доир таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йил 28 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизими такомиллаштирилиши муносабати билан вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 15-сонли буйруғининг 395-бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 23 февралдаги қўшма қарори билан тасдиқланган “Суд бинолари, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”нинг 27-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2025 йил 11 июндаги 01-30-89-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши жиноят процесси иштирокчиларини хавфсизликни таъминлашда уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг таъминланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробатсияси. Диссертациянинг асосий мазмуни ва илмий натижалари 2 та халқаро, 1 та республика миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда апробатсиядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан, диссертациянинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 6 та, хорижий журналларда 5 та ва илмий анжуманларда 2 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 153 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг ўрганилганлик даражаси ҳамда диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, илмий изланиш давомида фойдаланилган усуллар, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг, апробатсияси, амалиётга жорий этилиши, улар бўйича нашр этилган ишлар, шунингдек диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ишни судга қадар юритиш босқичида жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий-ҳуқуқий зарурати”** деб номланган биринчи боби икки параграфдан иборат бўлиб, унда процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий-ҳуқуқий зарурати ҳамда унинг амалий жиҳатлари чуқур таҳлил

этилган. Тадқиқотчи Б.В. Дрейшев, А.А. Фомин, А.Ф. Галузин, Г.Г. Горшенков, Г.В. Коржев, И.С. Лапаев, Ш.Х.Маматалиева, В.В. Мамонов, А.Ш. Умархонов, Б.Т.Хамхоев, каби олимларнинг қарашлари билан илмий баҳсга киришиб, “хавфсизлик чоралари”, “ҳимоя остидаги шахс”, “хавфсизликни таъминлаш субъектлари”, “хавфсизлиги таъминланиши лозим бўлган шахслар”, “ўзга ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар” тушунчаларга муаллифлик таърифи, шунингдек, жиноят-процессуал муносабатларда шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш институтини самарали қўлланилишига тўсқинлик қилувчи омиллар ҳамда қонунчиликдаги бўшлиқлар чуқур тадқиқ этилиб, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Биринчи бобнинг *“Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашнинг тушунчаси ва ижтимоий зарурати”* деб номланган биринчи параграфда жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий-ҳуқуқий зарурати, жиноят-процессуал муносабатларда шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш институтини самарали қўлланилишига тўсқинлик қилаётган омиллар таснифи, уларни бартараф этиш усуллари, шунингдек жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларни ҳам хавфсизлик чоралари қўлланилиши мумкин бўлган шахслар доирасига киритиш масалалари илмий жиҳатдан чуқур таҳлил этилиб, асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш институтининг ижтимоий-ҳуқуқий зарурати қуйидаги концептуал омиллар билан асослантирилган: процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланганлиги; хавфсизлик чораларини қўлланилмаслиги шахсларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, суд тизимига ва умуман давлат сиёсатига нисбатан ишончсизликни келтириб чиқариши; таҳдид остида бўлган шахсларнинг кўрсатув беришдан бош тортиши ёки уларнинг ёлғон кўрсатув бериш эҳтимолини ошириши; уюшган жиноятчилик, коррупция, гиёҳвандлик, одам савдоси, терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш фаолиятининг самарасиз кечиши; жабрланувчиларга психологик жароҳатлар келтириб чиқариши; ўзининг хавфсизлиги таъминланганлигига ишонч ҳосил қилган инсонларда зиммасига юклатилган процессуал мажбуриятларни виждонан бажаришга ва суд-тергов органлари билан фаол ҳамкорлик қилишга хоши-истак юзага келиши; айбдор шахслар жазосиз қолмаслиги, айбсиз шахслар жавобгарликка тортилмаслиги, жиноят иши доирасида одил судловга эришиши учун процесснинг барча иштирокчилари эркин, таҳдидлардан холи ҳолда ўз мажбуриятларини амалга ошира олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратилиши, шунингдек процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг муҳим таркибий қисми бўлиб, мазкур институт жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни фош этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш борасида масъул давлат органлари вазифаларини самарали ташкил этилишига хизмат қилиши асослантирилган.

Ўтказилган тадқиқотлар таҳлили асосида, процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш институти самарадорлигига тўсқинлик қилувчи омиллар аниқланиб, улар қуйидагича таснифланган: хавфсизлик чораларини

қўллаш асослари, тартиби, муддатлари, субъектлари, объектлари ва уларнинг назорат қилиш механизмларини белгиловчи қонунчиликдаги бўшлиқлар; хавфсизлик чораларини амалга ошириш учун зарур бўлган бюджет маблағларининг чекланганлиги; замонавий техник воситалар ва технологиялар билан таъминланиш даражасининг пастлиги; масъул ходимларнинг махсус тайёргарлик даражаси ва хавфсизлик чораларини қўллаш бўйича амалий тажрибаси етарли эмаслиги; процесс иштирокчиларининг хавфсизлик чораларини қўллаш имкониятлари ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслиги; жабрланувчи ва гувоҳларнинг давлат ҳимоясига олинишига бўлган ишончини йўқлиги туфайли одил судловга қўмаклашишдан кўркиши; трансмиллий жинойтлар ва чет эл фуқаролари иштирокидаги жинойт ишларида хавфсизлик чораларини қўллаш бўйича халқаро ҳамкорлик механизмларининг мукамал эмаслиги; хавфсизлик чораларини қўллаш ва мониторинг қилиш амалиётини йўлга қўйилмаганлиги; хавфсизлик чораларини таъминлаш бўйича махсус давлат дастурларининг мавжуд эмаслиги; хавфсизлик чораларини амалга оширишга ИИБнинг алоҳида соҳавий хизматлари масъул этиб белгиланмаганлиги ва бошқалар.

Шу билан бирга, мазкур параграфда илғор хорижий тажриба ва миллий ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлиллари асосида жинойт ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларни ҳам хавфсизлик чоралари қўлланилиши мумкин бўлган шахслар доирасига киритиш лозимлиги асослантилган.

Диссертация биринчи бобининг *“Ишни судга қадар юритиш босқичида хавфсизлиги таъминланиши лозим бўлган шахсларнинг таснифи”* деб номланган иккинчи параграфиди хавфсизлик чорасининг мазмун-моҳияти, қўллаш шартлари ва ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда уларни қандай вазиятларда ва қайси тоифадаги процесс иштирокчиларига нисбатан тадбиқ этиш лозимлиги, ўлдириш, куч ишлатиш, мол-мулкни йўқ қилиш ёхуд мол-мулкка шикаст етказиш билан боғлиқ таҳдидларни баҳолаш мезонлари, тажовузлардан етарли даражада ҳимояланмаган жабрланувчи ва гувоҳга кўрсатув бермаслик ҳуқуқи кафолатланиши, шунингдек хавфсизликни таъминлаш институтини терговга қадар текширув босқичида ҳам қўллаш мақсадга мувофиқлигини процессуал қонунчиликда акс эттириш тўғрисида илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот ишида ҳар бир хавфсизлик чорасини қўллаш шартлари, процессуал жиҳатлари ҳамда таҳдиднинг ўзига хослиги ва оғирлик даражасини инобатга олган ҳолда уларни қандай вазиятларда ва айнан қайси процесс иштирокчиларига нисбатан тадбиқ этиш лозимлиги юзасидан илмий хулосалар шакллантирилган. Хусусан, ҳимоя қилинувчи шахс тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш хавфсизлик чораси учун ҳимоя қилинувчи шахс ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан таҳдидлар юзага келганлиги, бошқа шахсларни ҳам жинойт иши материаллари билан қонунга хилоф равишда танишиш имкониятлари мавжудлиги, шунингдек шахс ёки унинг яқин қариндошларининг яшаш манзилини аниқлашга уринишлар кузатилганда гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар ва мутахассисларнинг анкета маълумотларини олиб қўйиш ва уларни асосий иш юритувидан ажратиб сақлаш, шунингдек бунинг учун таҳаллусдан фойдаланиш, процессуал

ҳужжатларда бундай маълумотларни чеклаш орқали ҳимоя қилиш лозимлиги баён этилган. Шунингдек, мазкур хавфсизлик чорасининг мураккаблик даражаси юқори эмаслиги ва нисбатан кам ресурслар талаб қилсада, унинг таъсирчан ҳимоя воситаси ҳисобланиши, кечиктирмасдан ва бошқа хавфсизлик чоралари билан биргаликда комплекс тарзда қўлланилганида кўпроқ самара бериши, процессуал ҳужжатларда шахсларни “А” ва “Б” каби шартли белгилар билан ёритилиши ҳамда бошқа ўзига хос жиҳатлари қайд этилган.

Ўлдириш, куч ишлатиш, мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш ёхуд мол-мулкка шикаст етказиш билан таҳдид қилинаётган деб топиш мураккаб жараён бўлиб, унда қуйидаги объектив ва субъектив омилларни комплекс равишда ўрганиш талаб этилади: таҳдиднинг ифода шакли, хусусияти ва қай даражада жиддийлиги; таҳдид қилувчининг имкониятлари ва мақсадлари; таҳдид қилинаётган шахснинг вазияти ва хавфсизлик даражаси; таҳдиднинг амалга ошириш эҳтимоли ва оқибатлари; таҳдиднинг шахсни жиноят процессидаги мақоми билан боғлиқлиги ва бошқалар. Шунингдек, бу каби вазиятларда хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисидаги қарор қабул қилишда ҳар бир вазият индивидуал равишда баҳоланиши, лекин юқорида қайд этилган мезонларга асосланиши лозим. Шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва адолатли суд-тергов фаолиятини амалга ошириш учун таҳдидларни баҳолаш мезонларини тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ белгилаш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида самарали қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир шахснинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш давлат томонидан кафолатланиши, шахснинг ўз-ўзини ҳимоя қилиш бу унинг табиий ҳуқуқи ҳисобланиб, ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилганда ўзини ҳимоя қилиш учун барча чораларни кўриши мумкинлиги, хавфсизлиги таъминланмаган шахсдан мажбурий кўрсатув талаб қилиш адолатсизлик ҳисобланишини инобатга олиб, ўзининг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкка нисбатан қилинаётган тажовузлардан етарли даражада ҳимояланмаган, яъни процессуал хавфсизлиги тўлиқ таъминланмаган жабрланувчи ва гувоҳга жиноят иши доирасида кўрсатув бермаслик ҳуқуқини кафолатлаш зарурати асослангандир. Шунингдек, халқаро ҳуқуқий амалиётда жиноят процессида иштирок этувчи шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш дастурлари ва механизмлари мавжуд бўлиб, уларга мувофиқ хавфсизлиги таъминланмаган шахс ўзининг ҳимояси учун кўрсатув беришдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлиши умумэътироф этилган. Бундай ҳуқуқни тан олмаслик инсон ҳуқуқлари бузилишига ва жиноят процессининг асосий мақсади бўлган адолатга эришиш имкониятининг чекланишига олиб келади.

Диссертациянинг **“Ишни судга қадар юритиш босқичида жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш асослари ва процессуал тартиби”** деб номланган иккинчи бобида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини танқидий таҳлил қилиш асосида процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқий, ташкилий ва процессуал тусдаги мавжуд камчиликлар муҳокама қилиниб, уларни бартараф этишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертация иккинчи бобининг *“Ишни судга қадар юритиш босқичида хавфсизлик чораларини қўллаш асослари ва процессуал тартиби”* деб номланган биринчи параграфида муаллиф томонидан процесс иштирокчиларига нисбатан қўлланиладиган хавфсизлик чоралари муддатини белгилаш, узайтириш ҳамда уларни бекор қилиш тартиби шахснинг ўзига нисбатан хавфсизлик чорасини қўллашни сўраб мурожаат қилиш ҳуқуқини жиноят-процессуал қонунчиликда мустаҳкамлаш, ички ишлар органларининг айнан қайси соҳавий хизматлари хавфсизлик чоралари таъминланишига масъул этиб белгилаш масаласи муҳокама қилиниб, уларнинг бу борадаги функционал вазифалари (мажбуриятлари) ҳамда мазкур соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келаётган муаммоларнинг таҳлили асосида илмий асосланган ечимлар, процессуал қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили, уларда хавфсизлик чораларини қўллаш масаласига доир тартиб билан боғлиқ кўплаб ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлиги кўрсатилган. Хусусан, хавфсизлик чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқиш ва хавфсизлик чорасини қўллаш ҳақидаги қарорни ижрога қаратиш муддатлари, улар бўйича қандай мазмундаги қарорлар қабул қилиниши, хавфсизлик чорасини қўллаш муддатининг давомийлиги, таҳдид ҳақида маълумот олингандан кейин қандай процессуал ҳужжатлар расмийлаштирилиши, бу борада ўз мажбуриятини лозим даражада бажармаган тегишли мансабдор шахснинг жавобгарлик масаласи ноаниқлиги ҳамда уларнинг фаолиятини назорат қилиш механизмлари ишлаб чиқилмаганлиги шулар жумласидандир. Санаб ўтилган омилларни бартараф этиш мақсадида, тадқиқотда процесс иштирокчиларига нисбатан тажовуз таҳдиди ҳақида маълумот олингандан кейин йигирма тўрт соат ичида хавфсизлик чораларини қўллаш ёки қўллашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши ва хавфсизлик чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор зудлик билан ижрога қаратилиши, шунингдек қўлланилган хавфсизлик чораларининг давомийлик муддати суриштирув, дастлабки тергов, суд муҳокамасини ўтказиш муддатлари доирасида белгиланилиши лозимлиги, бироқ мавжуд таҳдидларнинг сақланиб қолиши ёки янги ҳолатларнинг юзага келиши, жиноий гуруҳ ёки жиноий уюшма аъзоларининг бир қисмини эркинликда қолиши ҳамда процесс иштирокчисига нисбатан бошқа мазмундаги хавф-хатарларнинг мавжудлиги ҳақида етарли маълумотлар бўлган тақдирда, иш ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда хавфсизлик чораларини қўллаш муддатлари яна узайтирилиши мумкинлиги асослантирилган.

Ўзбекистон Республикасининг *“Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”*ги Қонунининг 5-моддасида, ҳимоя қилинувчи шахсларга нисбатан белгиланган хавфсизлик чоралари ички ишлар органлари томонидан таъминланилиши қайд этилган бўлса-да, лекин амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда улар ички ишлар органларининг айнан қайси соҳавий хизматлари томонидан таъминланиши назарда тутилмаганлиги ва бу борада уларнинг зиммасига тегишли буйруқ ёки низом асосида аниқ вазифалар юклатилмаганлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида хавфсизлик чоралари қўлланилмасдан қолишига сабаб бўлмокда. Шунинг учун ҳам тадқиқотда, хавфсизлик чораларининг мазмун-моҳияти ва ўзига хос белгиларидан келиб чиққан ҳолда уларни ички ишлар органларининг айнан қайси соҳавий хизматлари томонидан таъминланиши

лозимлиги бўйича хулоса тайёрланиб, алоҳида жадвал кўринишида ифодаланган.

Жиноят-процессуал кодексининг 270-моддаси биринчи қисмида процесс иштирокчисига нисбатан таҳдид қилинаётир дейиш учун етарли маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда терговчи бу шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, кадр-қиммати ва мол-мулкни муҳофаза қилиш, шунингдек айбдорларни аниқлаш ҳамда уларни жавобгарликка тортиш чораларини кўришлари шартлиги қайд этилган. Шундай бўлса-да, ҳуқуқни қўллаш амалиётида бу каби ҳолатларда терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилмаслиги, диссертант томонидан асосли танқид қилинган. Зеро, процесс иштирокчисига нисбатан содир этилган ҳар бир таҳдидда жиноят аломатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги аниқланилиши, айбдор шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилиши шарт ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тадқиқотда хавфсизлик чоралари қўлланилган ёки қўлланилмаганидан қатъий назар, жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан қилинган ҳар бир таҳдид ҳолатлари бўйича терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилиши ва тегишли қарор қабул қилиниши шартлиги асослангандир.

Диссертация иккинчи бобининг “*Тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказишда шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш амалиёти*” деб номланган иккинчи параграфида ҳуқуқни қўллаш амалиётида процесс иштирокчиларига нисбатан юзага келаётган таҳдидларнинг шакли ёки ўзига хос хусусиятлари, аниқланган таҳдидлар бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар алгоритми, терговчининг хизмат хонасида тергов ва процессуал ҳаракатлар ўтказиш жараёнида шахснинг хавфсизлигига таҳдид амалга оширилиши мумкин бўлган омиллар, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ва ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар тизимли равишда таҳлил этилган.

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари таҳлилидан маълум бўлдики, ҳуқуқни қўллаш амалиётида процесс иштирокчиларига нисбатан асосан қуйидаги мазмундаги таҳдидлар амалга оширилмоқда: *объекти бўйича*: жабрланувчи (унинг қонуний вакили, вакили)га (74 фоиз); гувоҳ (унинг адвокати)га (61 фоиз); жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячисига (6 фоиз); гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакилларига (16 фоиз); маҳкум, оқланган шахс, ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган шахсга (5 фоиз); фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига (13 фоиз); эксперт, мутахассис, таржимон ва холисга (11 фоиз); жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ходимлари ва мансабдор шахсига (27 фоиз); *мазмунига кўра*: жисмоний, яъни шахсга ёки унинг яқинларига нисбатан зўравонлик қилиш таҳдиди (75 фоиз); мол-мулкка, яъни шахснинг мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш ёхуд мол-мулкка шикаст етказиш (32 фоиз); репутацияга, яъни шахснинг шаъни ва кадр-қимматига доғ тушириш таҳдиди (46 фоиз); ҳуқуқий, яъни жиноий таъқиб қилиш ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш таҳдиди (21 фоиз); *амалга ошириш усулига кўра*: бевосита, яъни шахсга юзма-юз ёки телефон орқали қилинган таҳдидлар (78 фоиз); бевосита, яъни учинчи шахслар орқали етказилган таҳдидлар (54 фоиз); ёзма, яъни хат, электрон почта ёки хабарлар орқали қилинган таҳдидлар (32 фоиз); намоёнлик, яъни шахсга зўравонликни кўрсатиш ёки унинг яқинларига зарар

етказиш орқали таҳдид қилиш (38 фоиз); *содир этилиш вақтига кўра*: терговга қадар текширувда (36 фоиз); суриштирув ёки дастлабки терговда (31 фоиз); суд муҳокамаси давомида (28 фоиз); ҳукм (ажрим) қабул қилинганидан кейин (14 фоиз); *амалга ошириш шаклига кўра*: аниқ таҳдидлар, яъни шахсга ёки унинг яқинларига нисбатан аниқ қилиб билдирилган таҳдидлар (54 фоиз); номаълум таҳдидлар, ишоралар, ҳаракатлар ёки бошқа билвосита усуллар орқали қилинган таҳдидлар (24 фоиз); психологик таҳдидлар, яъни шахснинг руҳий ҳолатига таъсир қилиш орқали қилинган таҳдидлар (20 фоиз).

Процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш алгоритми куйидагилардан иборат: дастлабки таҳлил ва баҳолаш босқичида хавф-хатарлар даражасини аниқлаш, яъни зўравонлик элементлари мавжудлигини текшириш, уларнинг уюшганлик даражасини баҳолаш, гумон қилинувчи шахсининг ва унинг олдинги жиноий фаолияти тарихини ўрганиш, таҳдид қаратилиши мумкин бўлган шахсларнинг доирасини белгилаш; хавфсизлик чораларини режалаштириш босқичида ҳар бир таҳдид остида бўлган шахсга индивидуал ҳимоя режаларини ишлаб чиқиш, таҳдид мазмунидан келиб чиққан ҳолда хавфсизлик чорасини қўллаш, шахсларга тааллуқли бўлган маълумотларнинг махфийлигини сақлаш, тезкор хизматлар билан ҳамкорлик қилиш; амалий хавфсизлик чоралари босқичида тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказишда шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш; мониторинг ва назорат босқичида, таҳдид даражасининг ўзгаришини кузатиш, кундалик хавфсизлик ҳолатини баҳолаш, янги таҳдидларни аниқлаш ва уларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўриш, иш ҳолатларидан келиб чиқиб, илгари қўлланилган хавфсизлик чораларини ўзгартириш, бекор қилиш; ҳужжатлаштириш боқичида, тегишли қарорлар қабул қилиш, ҳимоя қилинувчи шахс билан келишиш, мавжуд хавф-хатарларни баҳолаш бўйича хулосалар тайёрлаш; бошқа ташкилий масалаларни амалга ошириш босқичида, психологик ёрдам кўрсатиш, таҳдид остида бўлган шахснинг яқинлари билан доимий ҳамкорлик қилиш, вазиятдан келиб чиққан ҳолда бошқа чораларни кўриш. Эътиборли томони шундаки, ушбу алгоритм ҳар бир ишнинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда қўлланилиши лозим.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ишни судга қадар юритиш босқичида жиноят процесси иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштириш истиқболлари”** деб номланиб, унда тадқиқотчи жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашга оид халқаро ҳужжатлар ҳамда айрим хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашнинг янги механизмларини жорий қилиш, бу борадаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларидаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш ҳамда жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиққан.

Учинчи бобнинг *“Ишни судга қадар юритиш босқичида жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро тажриба”* деб номланган биринчи параграфида халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда бир қатор илғор хорижий давлатларнинг мазкур масалага доир амалиёти ва қонунчилиги қиёсий таҳлил этилган. Хусусан, диссертант томонидан жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича АҚШ, Германия, Франция, Канада, Швеция, Италия, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон ва

Тоҷикистон Республикалари ва бошқа бир қатор давлатларнинг илғор таҷрибаси ўрганилган.

АҚШ, Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Қирғиз Республикаларида жабрланувчилар, гувоҳлар ва уларнинг оила аъзоларини хавфдан ҳимоя қилиш мақсадида “Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш дастури” қабул қилинади. Бу дастур шоҳидлар ва уларнинг оила аъзоларини анонимлаштириш ва янги яшаш жойига кўчириш имконини бериб, уларнинг хавфсизлигини таъминлашга катта ёрдам беради. Германияда эса, гувоҳларнинг анонимлигини сақлаш ва уларни хавфдан ҳимоя қилиш мақсадида суд муҳокамаси ахборот технологиялари ёрдамида ўтказилади. Шунингдек, Германия ва Италияда судларнинг махсус хавфсизлик бўлимлари мавжуд бўлиб, улар судланувчилар ва бошқа процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашга масъул ҳисобланадилар.

Канадада шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун улар билан боғлиқ барча тергов ҳаракатлари замонавий ахборот технологиялардан, хусусан, видеоконференц-алоқалар имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўтказилади. Швецияда, тергов органлари билан ҳамкорлик қилган айбланувчилар, махсус ҳимоя воситалари билан таъминланади. Шунингдек, заруратдан келиб чиққан ҳолда бундай шахсларга уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида хавфсизлик хизматининг таҷрибали ходимлари бириктирилади. АҚШ ва айрим Европа иттифоқи мамлакатларида юзага келган таҳдидларга янги жиноят сифатида баҳо берилиши ва уларни мониторинг қилиб бориш фаолияти тўғри йўлга қўйилганлиги хавфсизликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бунда, асосан тегишли хизматларнинг махсус тезкор-қидирув бўлинмалари жалб этилиши ҳисобига аксарият ҳолатларда таҳдидларнинг олди олинади. Бундан ташқари, Австралия ва Канада давлатларида таҳдид объекти бўлган шахсларнинг шахсини махфийлигини таъминлаш учун турли хил электрон дастурий таъминотлардан фойдаланиш амалиёти йўлга қўйилган. Тадқиқотчининг фикрича, мазкур илғор таҷрибаларни яқиндан ўрганиш ва уларни Ўзбекистон ҳуқуқий тизимига татбиқ этиш жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошишига хизмат қилади.

Учинчи бобнинг *“Ишни судга қадар юритиш босқичида жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштириш”* деб номланган иккинчи параграфда процесс иштирокчиларига қаратилган таҳдидларни одил судловга қарши қаратилган алоҳида турдаги жиноят сифатида белгилаш, қўлланилган хавфсизлик чоралари бўйича махсус ҳисобот шаклини юритиш, таҳдид қилинаётган шахсларга нисбатан хавфсизлик чораларини асосли қўлланилишини таъминлаш мақсадида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш, шунингдек мазкур институтни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган асосий таклиф ва тавсиялар баён этилган.

Ривожланган хорижий мамлакатлар таҷрибаси, хусусан Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси жиноят қонунчилигида процесс иштирокчиларининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига қаратилган таҳдидлар нафақат айрим шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига, балки жиноят иши бўйича объектив ҳақиқатни аниқлаш механизмларининг самарали фаолиятига тўсқинлик қилиш хусусиятига эга эканлиги инобатга олиниб, бундай деструктив қилмишларни одил судловга қарши қаратилган алоҳида жиноий-ҳуқуқий деликт сифатида баҳолаш ва

уларга нисбатан дифференциалашган жавобгарлик чораларини белгилаш зарурати асослантирилган.

